# БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ВАКОЛАТЛАРИ

*ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ КАФЕДРАСИ*

***Рахмонов Султонбек Сардорбек ўғли***

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналиши бўйича таьлим олаётган 310-гуруҳ курсанти*

***АННОТАЦИЯ:****Битирув малакавий ишида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, предмети, обекти, вазифалари, профилактика инспекторларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги тушунчаси, бугунги кунда бандлик органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги ролининг аҳамияти, ушбу ҳамкорликнинг ҳуқуқбузарликланинг барвақт олдини олишдаги аҳамияти, ҳозирги холат, шунингде ушбу ҳамкорлик доирасидаги қатор муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф етиш бўйича бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган.*

**Шартли қисқартмалар:**

**ИИО**-ички ишлар органлари;

**ТП** – Таянч пункти;

**МЖТК** – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс;

**ЖК** – Жиноят кодекси;

**ЖИК** – Жиноий ижроия кодекси;

**ҲМҚО** – Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар;

**ЖТС**-жамоат тартибини сақлаш;

**ИИВ**-ички ишлар вазирлиги;

**ИИБ**-ички ишлар бошқармаси.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳалқимиз

томонидан қўллаб-кувватланмокда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари ахолимиз хаёти ва кундалих турмушида ўзининг яққол ифодасини топмокда, элюртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги қунга ишончи ўсиб бормоқда. Биз мамлакат хаётига дойр хар бир қарорни халқимиз билан маслахатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул килмокдамиз. «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари ҳалқимизга хизмат қилиши керак» деган ғоя фаолиятимиз мезонига айланмокда.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги чора-тадбирларни аниқ манзилга йуналтириш ва уларга комплекс ёндашиш, идораларaро хамкорликни ривожлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш борасида ҳуқуқни мухофаза қилувчи органлар билан бир қаторда, бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотларнинг хам устувор вазифаси этиб белгиланиши бу борада уларнинг олдига алохида вазифалар белгилаб берилиши ҳуқуқбузарликлар профилактикасида самарали натижаларга эришишга имкон берди.

Хозирги вақтда минтақамизда ва дунёда хукм сураётган, олдиндан айтиб булмайдиган мураккаб шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва хамжихатликни мустахкамлаш канчалик катта акамиятга эга эканини барчамиз чукур англаймиз. Бу эса ўттан давр мобайнида эришган ютукдаримиз ва йул куйган камчиликларимиз, тўпланиб колган муаммоларни чукур тахлил килиш, бугун хаётнинг ўзи илгари сураётган талабларни ҳисобга олишни такозо этмокда.

Ўтган қисқа давр ичида мамлакатимиз суд-ҳукук тизимида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиб, унинг натижасида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими изчил ислох этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фукаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли кимоя килишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари

тугрисида» 2017 йил 10 апрелдаги 5005-сонли фармони, «Хукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка карши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги 2833-сонли карорида ижтимоий муаммоларни хал этиш биринчи навбатда аҳоли бандлигини таъминлаш, аёллар ва ёшларни ижтимоий фойдали фаолиятга жалб этишни фаоллаштириш, вояга етмаганларнинг буш вактини мазмунли ташкил этиш буйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг барвакт олдини олишни таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ички ишлар органларининг сохавий хизматлари ҳамда кукукни мукофаза килиш органлари ва жамоатчилик органлари билан ҳамкорликни самарали ташкил этиш каби катор вазифалар белгилаб берилган . Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш, шу жумладан бандлиги таминланмаган фуқаролар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат мунасабатларини вазирлигининг Давлат меҳнат инспексияси тўғрисидаги низомининг тасдиқланганлиги ҳам бунинг яққол мисолдир.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабати вазирлиги Давлат меҳнат инспекциясининг меҳнат, аҳоли бандлиги, меҳнат муҳофазаси, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, жумладан уларга ижтимоий инфиратузилма обьектларидан тўсқинликсиз фойдаланиш, шунингдек, барча турдаги транспортлардан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа ва аҳборот воситаларидан фойдаланиш учун меҳнат шартшароитларини яратиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш масалалари бўйича ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, ҳудуд профилактика инспекторлари, иш берувчи

бўлган жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши шарт ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда республика ва ҳудудларни демографик ва иқтисодий ривожлантириш прогнозларидан келиб чиқиб, меҳнат ресурслари балансларининг асослантирилган прогноз параметрларини, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлашга доир самарали комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда профилактика инспекторларининг роли катта аҳамият касб этади.Бундан ташқари бандлик ва мехнат муносабатлари органлари томонидан ташкил этилган тизим орқали ахолини бандлигини таминлаш ишлари тизимли равишда олиб борилади.

***Бандлик ва меҳнат муносабатлари тизими:***

~ Вазирликнинг марказий аппарати;

~Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари;

~Республика бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази;

~Республика меҳнат органлари ходимлари малакасини ошириш курслари;

~Тошкент шаҳрида ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш маркази;

~ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш ҳудудий марказлари;

~малакани баҳолаш марказлари;

~«Mehnat.uz» ахборот-компьютер маркази» МЧЖ;

~Тошкент ва Фарғона шаҳарларида ногиронлиги бўлган шахслар учун рес публика ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари;

~Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, унга бўйсунадиган фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш бўйича ҳудудий филиаллар, хорижга кетаётган фуқароларни жўнаб кетишдан олдин мослаштириш марказлари ва Агентликнинг хориждаги ваколатхоналари;

~Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси;

~Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси;

~«Ишга марҳамат» банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи «Мономарказ» МЧЖ;

~Ўзбекистон-Малайзия касб-ҳунар таълими маркази;

~чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш марказлари;

~олдиндан кўниктириш ва касбга тайёрлаш марказлари.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**


1. Каримов.И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.–Т,«Ўзбекистон», 2017.–48 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон мафаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир. – Ҳалқ сўзи. – Т., 2017. 8 янв
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қаттиқ тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак / Ш.М.Мирзиёев; – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак Ҳалқ сўзи. – Т., 2017. 10 фев.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
8. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 23 дек.

9. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганинг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги // Халқ сўзи.–2018.–13 янв.
10. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан байрам табриги // Халқ сўзи.–2020.–8 дек.